



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2019 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларни жорий этиш, шунингдек, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, аввал-лабор, иқтисодий тармоқларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал-лаштираш ва модернизация қилишни, sanoat ишлаб чиқаришнинг комплекс диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда самарали ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни инobatта олган ҳолда саяё-ҳаракатларни жамлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, бунинг асосида аҳоли бандлигини, уларнинг турмуш даражаси ва сифати оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйилган ва модернизация қилинган инвестиция лойиҳаларини назарда тутиб ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури:

2019 йилда капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

2019 йилда ижтимоий, уй-жой, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларини ишга тушириш прогнози 2-иловага мувофиқ;

2019 йилда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш манзилли дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйилган:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, 2019 йилда объектлар қуриш ва уларни реконструкция қилиш манзилли дастури 4-иловага мувофиқ;

б) марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган:

2019 йилда мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, техникалар харид қилиш манзилли дастури 5-иловага мувофиқ;

2019 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш манзилли дастури 6-иловага мувофиқ;

2019 йилда олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган олимпиа заҳиралари мактаб-интернатлари, болалар мусика ва санъат мактаблари, тиббий, илмий-тадқиқот, умумтаълим ва мактабга таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастурлари 7, 7а, 7б, 7в, 7г, 7д ва 7е-иловаларга мувофиқ;

2019 йилда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 8-иловага мувофиқ;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари лойиҳаларини молиялаштириш ташкил қилган ҳолда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш манзилли дастури 9-иловага мувофиқ;

в) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан хорижий кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган

инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 10-иловага мувофиқ;

г) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 11-иловага мувофиқ;

д) 2019 йилда тармоқ инвестиция лойиҳалари доирасида инвестицияларни ўзлаштириш йўлга манзилли дастури 12-иловага мувофиқ;

е) марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган:

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган тармоқ инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 13-иловага мувофиқ;

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган тармоқ инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 14-иловага мувофиқ;

ж) қўйилган:

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашнинг жадаллаштириш талаб этиладиган инвестиция лойиҳаларини рўйхати 15-иловага мувофиқ;

2019 йилда кўриб чиқилган истикболли инвестиция ва инфратузилма тармоқ лойиҳалари рўйхати 16-иловага мувофиқ;

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган, қурилиш ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган объектлар рўйхати 17-иловага мувофиқ;

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган ижтимоий соҳа объектлари рўйхати 18-иловага мувофиқ таъминлансин.

3. Белгилансинки:

лоийҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича лойиҳалар (объектлар) юзасидан рўйхатларга ва капитал қўйилмалар лимитларига (қиймати) Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновациялар ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекс раҳбарининг қарорлари билан аниқлик ва тузатишлар киритилиши мумкин;

лоийҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосан киритилади; қурилиш ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнларида тегишли ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашуви йўл қўйилмайди.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда — Ривожланиш жамғармаси) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини ўтказиш мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун аввал акратилган маблағлар сарфланганлиги Ривожлантириш жамғармаси томонидан тасдиқланишига қараб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар Ривожланиш жамғармасига молиялаштириш жадвали асосида ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда жалб этилаётган кредитларнинг гаров таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзларининг ва давлат кафолатлари суммасининг чекланган ҳажми меъёрларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳалар буюртмачилари (кейинги ўринларда — лойиҳалар буюртмачилари):

икки ҳафта муддатда — йилдан-йилга ўтиб келаётган лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, улар бўйича 2019 йилга мўлжалланган қурилишларнинг манзилли рўйхати ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини; Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда уч ҳафта муддатда — марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган, 2019 йилда янгидан бошланган лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлаш ишлари якунланишини;

икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида — тендер (танлов) ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилишини, белгиланган тартибда янги бошланган лойиҳалар бўйича харид қилиш тартиб-таомиллари якунланишини ва тендер (танлов) қўғиллари билан пудрат шартномалари тузилишини;

харид қилиш тартиб-таомиллари якунлангандан сўнг бир ҳафта муддатда — янгидан бошланган лойиҳалар бўйича қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатлари келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

икки ҳафта муддатда — мазкур қарорнинг 10, 11, 12, 13 ва 14-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг комплекс тармоқ жадваллари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ишлаб чиқилган ва бугунги кунга қадар тасдиқланмаган бош режалари лойиҳаларини уларнинг асосий қондалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосланганлигини нуктаи назардан ўрганиб чиқилишини;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини, уларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, хусусий лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш, ушбу соҳага инновациялар ечимларини ва илгор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича тақдирлар таъйинлашини;

акратилаётган маблағлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, йўл инфратузилмасини ва умуман тармоқни ривожлантиришга қаратилган давлат-хусусий шериклигининг замонавий

механизмларини жорий этишни инobatта олган ҳолда, автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, маблағларнинг тўлиқ ҳажмда ўзлаштирилишини ҳамда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш;

мазкур қарорнинг 17 ва 18-иловаларига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини 2019 йилда ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ривожланиш жамғармаси қузатув кенгаши лойиҳалар буюртмачилари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг ижобий ҳулосалари мавжуд бўлган ҳолда, 2019 йилнинг 6 ва 9 ойлиги якунлари бўйича капитал қўйилмаларнинг тежаб қўлинганди ёки фойдаланилмаган лимитларини, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган тегишли ҳудуддаги сув таъминоти, канализация тизими, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълим объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтирган ҳолда белгиланган тартибда қайта тақсимлашини;

ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этилиши;

зарур ҳолларда, харид қилиш тартиб-таомиллари якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида назарда тутилган маблағларнинг амалда ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ва капитал қўйилмаларнинг параметрлари доирасида қурилишларнинг манзилли дастурларига аниқлаштириш ва тузатишлар киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлил ҳамда мониторинг ўтказилишини ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига маълумотлар киритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 19 декабрь

МУНОСАБАТ БАҲОНИНГ «БЕБАҲО» БАҲОСИ



Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети
ректори, техника фанлари доктори,
профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилги ҳақида матбуотда ўқиб, мутахассис сифатида мени ва ҳамкасбларимни ўйлантириб келаётган олий таълимдаги баъзи бир масалалар ҳақида фикр юритдим.

Олий таълим тизимида олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижадорлигини таъминлайдиган асосий омиллардандир.

Кейинги икки йилда олий таълим тизимида бизнинг кўнгилмишимиз тоғдек кўтарилган бир қатор ишлар бошланди. Ҳеч шубҳасиз, қабул қилинган қарорлар, фармонлар ва ишлаб чиқилаётган низомилар олий таълимнинг сифатини таъминлашга қаратилган.

Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳам таълим сифатини тизимли равишда яхшилаб боришни таъминлайдиган аниқ вазифалар белгиланган.

Давоми 2-бетда. ▶

ОЛИЙ МАҲЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Халқаро мигрантлар куни муносабати билан семинар ўтказилди

Айтишларича, ер юзи аҳолисининг ҳар еттинчиси мигрант ҳисобланади. Расмий равишда 2 миллион, норасмий маълумотга қараганда 6 миллионга яқин юртдошимиз чет элда ишлайди. Биргина Россия Федерацияси банкларидан олинган маълумотга қўра, у ерда ушбу мамлакатда ишловчи меҳнатқашлар томонидан Ўзбекистонга жорий йилнинг 9 ойида 3 миллиард АҚШ доллари юборилган.

Олий Маҳлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан ўтказилган семинарда шу ва бошқа рақамларга тўхталиб ўтилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъуллари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон бўйича вакили ва талабалар қатнашди.

Таъкидлангани, миграция жараёни ўзгариб туради. Ушбу ҳолат маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, кези келганда, сиёсий таъсирини ўтказиши мумкин. Миграция жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, уни бошқариш масалалари алоҳида эътибор талаб қилади.

— Сўнгги йилларда ташқи меҳнат миграциясининг самарали тизимини таъминлаш борасида катта ишлар қилиняпти, — деди Олий Маҳлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Бунда албатта, юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этапти. Жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлди. Яқинда «Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу нимани аниқлади? Аввало, ҳар бир шахсининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли шартларда ишлаш ва қонунда курсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини рўйга чиқаришда муҳим омил саналади.

Давоми 2-бетда. ▶

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Бутун мамлакатимизда халқимизни хурсанд этаётган, оғирини енгил қилаётган, ҳақиқатга ишончини ошираётган тарихий ўзгаришлар бўлаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Аммо Қашқадарё вилоятидаги янгиликлар, бунёдкорлик ишларининг кўлами ўзгача. Президентимиз Шавкат Мирзиёев воҳага ташриф буюрганида бу ижобий ўзгаришларни алоҳида эътироф этди. Айни чоғда хато ва камчиликларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти салоҳиятини янада ошириш юзасидан тараққиёт дастурини белгилаб берди. Бугун қашқадарёликлар баланд кайфият, гайрат-шижоат билан бу улуг вазифаларни амалга оширишга киришди.



Жонини қийнамаган депутат сохта обрўга алданиб юриверади

Депутат, деганда бошқаларнинг ташвиши билан яшайдиган жонкуяр, адолатни ҳамма нарсадан устун қўядиган шахс кўз олдимизга келади. Аммо бугун аҳоли орасида депутатларга нисбатан ишончсизлик кайфияти билан қараётганлар оз эмас.

Нега шундай бўлди? Халқимиз томонидан билдирилаётган эътирозларга қарамадан, жамият ёки муайян ҳудуд миқёсидаги муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган ташаббуслар нега яққол кўзга ташланмаяпти?

Фикр ҳамда сўз эркинлиги кенг қулоқ ёзаяпти. Шундай муҳим пайтда депутатлар орасида жим юрганлари оз эмас. Уларнинг янги фикр, янги дунёқараш билан ишлаши учун нима тўсқинлик қилмоқда? Қишлоқдаги мактаб ўқитувчиси, корхонада ишловчи инженер, боғчадаги қоровул, юзи чўгдек қизарган новвой, нафақасини кутаётган нуруний, умуман олганда, ҳар бир соҳа вакилининг ҳаёти чин маънода ўзгариши, чинакам обод маҳалла ва обод қишлоқлар барпо этилиши учун депутатдан ортиқ ким кўпроқ ташаббус кўрсата олади? Бугун оддий халқ шахсий фикрини баён қилиш, ўз ҳудуди, оиласи ёки жамоасидаги камчиликларни айтишни бурч, деб ҳисобламасқам. Чунки муаммоларни яширган билан уларга ечим топилаётган. Аксинча, вақт ўтгани сайин ҳал этилиши қийинлашади.

Маҳаллий Кенгашларга сайланган халқ вакили ўзига ишонч билдирган кишилар билан бир ҳудудда, бир маҳаллада қўшни бўлиб яшайди. Ҳар кун қўша-қўша, турли давраларда учрашади, кўз-кўзга тушади. Ишлаётган, ташаббус кўрсатаётган, энг камми бир кишининг мушқулини осон қилган халқ вакили бошини баланд кўтариб юриши мумкин. Чунки содда ва танти одамларимиз кичик бир яхшиликни ҳам умрбод ёддан чиқармайди. Ҳар кўрганда раҳ-

мат айтиб, оғирини енгил қилган инсонга яхшилик илинади. Бироқ айримларни кўпчилик билмайди.

Маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 1882 нафар депутат сайланган. Бандлик, тиббий ва коммунал хизматлар, пенсия таъминоти, ёшлар ва хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, уларга ечим топиш, ҳуллас, энг оғир юкни кўтаришга бел боғлаган инсон ушбу партиядан сайланган депутат бўлиши керак, аслида.

Маҳаллий Кенгашлардаги айрим депутатлар «оч қорним — тинч қулогим» қабилида иш тутиб, ҳудудий раҳбарларнинг гапини маъқуллаш, қабул қилинаётган қарорларни қўл кўтариб тасдиқлаш билан чекланмоқда. Қарор қабул қилиш осон, лекин унинг ижросини таъминлаш масаласи қийин. Кўп ҳолларда қарор ижроси эсдан чиқиб қолади. Оқибатда муаммо муаммолигича, мурожаат мурожаатлигича қолиб кетмоқда.

Масъулиятсиз, ишқамс депутатларга ҳар доим баҳона топилади, «ҳоким билди», «ҳоким бурода»га ўтиб олади.

Масалан, халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи ташаббуси билан аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг аҳоли ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Мазала сессияга киритилиб, у ерда қабул қилинган қарор асосида ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари суоптирилган газ билан таъминланди. Тумандаги «Чангарон», «Анжирбоғ», «Пахтакор», «Холвагарон» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи «Обод қишлоқ» дастурига киритилиб, амалий ишлар бошлаб юборилган. Ишласа, натижа бўлиши ҳақида бу биргина мисол. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бизга берилган маълумотларга кўра, Бухоро вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан сайланган фаол депутатлар 63, фаолияти ўрта депутатлар 32 нафарни ташкил қилади. Қо-

ниқарсиз ишлаётганлари эса 8 нафар. Жумладан, Пешку туманидан Ҳалим Фаттоев, Олот туманидан Зокир Оллоков каби депутатлар ҳатто ўзи яшайдиган ҳудуд, корхона, ташкилот аъзоларининг турмуш тарзи билан ҳам қизиқмаган. Бирор марта депутатлик сўрови юбориб, аҳоли мурожаати билан ишлаш учун уларда вақт етишмаган ёки хоҳиш йўқ.

Сурхондарё вилоятида 17 нафар депутат қоникарсиз ишлаётганини айтишди. Хусусан, вилоят Кенгаши депутати Холмамат Нормуродов, Хусан Бозоров, Ангор туман Кенгаши депутати Шоди Мухаммадиев, Денов туман Кенгашидан Тўхтамурод Ғаниев, Оптинсой туман Кенгашидан Комил Норқобилов ва яна бир гуруҳ халқ вакиллари суст-кашликка йўл қўяётган экан.

Аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишга шושмаётган депутатлар ҳақида ҳар бир ҳудуддан мисол келтириш мумкин. Лекин бу билан вазият ўзгариб қолмайди.

Кимнингдир фаолиятини баҳолаш, ақл ўргатиб, маслаҳат бериш фикридан йироқмиз. Асосий мақсадимиз депутатлар сайловчилари олдида масъул эканини яна бир эслатиб қўйиш. Депутат фаолиги, ҳақиқатга ўйлиги, курашувчанлиги билан одамларга ўрناк кўрсатиши, «бўлаверад», «фойдаси йўқ», «қуним ўтса, бўлди» каби қарашларни бартараф этиш чораларини излаши керак. Қачонки, аҳоли сайланган депутатидан яхшилик кўрса, унинг шижоғига ишонади, ортидан эргашади.

Маданияти, маънавияти, одамларга ғамхўрлиги билан намуна бўла оладиган, уларнинг олиқши ва эътирофига сазовор раҳбарлар сафи кенгайиши учун ким кўпроқ ташаббус кўрсатиши керак? Ҳамма қонун асосида ва қонун доирасида ишлаб, яшаши кимларга боғлиқ? Очик-ошкора демократик жамият яратиш учун ҳаммадан кўпроқ ким масъул? Шу каби саволлар ҳақида ўйланганимиз сари «депутатлар», «депутатлар», деган сўз хаёлга қайта-қайта келаверади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Халқаро мигрантлар куни муносабати билан семинар ўтказилди

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транс-портда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида хорижга ишга чиқаётганларга имтиёз бериш ва маслаҳат марказлари ташкил этилган. Чет элда ишлаётган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Корея Республикасида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси очилган. Россия Федерацияси ва яна бир нечта давлатда ваколатхоналарни очиш юзасидан ташкилий ишлар якунига етказилган.

Муҳими, меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солиш, соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга қаратилган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Муаммоларни бартараф этиш, хорижда фаолият олиб бораётган юртимиз фуқароларининг ҳуқуқлари ҳафозатларини таъминлаш, чет элга кетишдан олдин уларнинг касбий маҳоратини ошириш масалалари агентликларнинг бевосита вазифасига кириди.

Семинарда, шунингдек, 18 декабрь санаси Халқаро мигрантлар куни, деб номланганининг сабаби ва моҳияти ҳақида ҳам сўз борди. Қайд этилдики, бу сана 1990 йилда қабул қилинган Халқаро конвенция билан бевосита боғлиқ бўлиб, шу асосда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 4 декабрдаги резолюцияси қабул қилинган.

◀Даъоми, бошлангич 1-бемта.

Ўз мухбири.

БИР ХАТ ИЗИДАН...

Абдузоҳир Зиёев Ургут туманининг Кенагас қишлоғида яшайди. Ўттиз йилга яқин собиқ Навоий жамоа хўжалигини бошқарган, Олий Мажлис, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлигига бир неча бор сайланган ҳалол, обрўли инсон. Фарзанди Анвар Зиёев 2007 йилдан буён «Навоий» агрофирмаси қошида ташкил этилган «Шаҳризода Санам» фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Олинган даромаддан маҳаллага ва шу ҳудудда жойлашган муассасаларга мунтазам равишда ҳоимийлик ёрдами кўрсатиб келади.

Туман катталиги туфайли Абдузоҳир Зиёевнинг саяёҳатати билан Ургут электр таъминоти корхонасининг ҳудудий Деҳқонобод корхонаси ташкил этилган эди. Корхона бир муддат Ургут электр таъминоти корхонаси билан бирлаштирилди, 2016 йилда яна қайта тикланди.

«Шаҳризода Санам» фермер хўжалиги ер майдони тоғ ён бағрида жойлашгани учун экинлар насос орқали сугорилиди. Илгари Навоий номи ширкат хўжалигига қарашли бўлган сув чиқарадиган насос қурилмалари 2007 йилда ҳукмат қарорига асосан туман сув хўжалиги балансида барча ички насослар қатори «ноль» қийма-тида ўтказилиб юборилган. Бир неча фермерларга хизмат қилган бу насос қурилмаси орадан кўп ўтмай, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

— Яроқсиз ҳолга келиб қолган насос қурилмасини 2009 йилда бизга топшира-диган бўлишди, — дейди Анвар Зиёев. — Уни соғлаб ишга туширишимиздан сўнг, «Деҳқонобод» электр таъминоти корхо-наси ходимлари келиб: «Бу трансфор-

матор ичига ўрнатилган ҳисоблагич энди «Шаҳризода Санам» фермер хўжалиги ҳисобига бўлади. Биз барча қонуний те-гишли техник ҳужжатларни қилдик, фақат сизлар сарф қилинган электр қуввати учун маблағларни тўлаб турасизлар», де-йишди. Аммо «Деҳқонобод» электр таъ-миноти корхонаси ходимлари ўша вақтда сохта ҳужжат тайёрлашган экан. Буни биз 2017 йилнинг 4 июлида Ургут туман мажбурий ижро бюроси ходимлари томо-нидан ўтказилган текшириш натижалари-дан билиб қолдик. Уларнинг ана шу айби туфайли қанчалаб вақтим ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш органларига қатнаш билан ўтди. Бехудага судланиб, жаримага тор-тилдим. Бундай адолатсизликлар учун кимдир жавоб бериши керакми, ахир?»

Насос сув қурилмаси учун ўрнатилган трансформаторда Анвар Зиёевга ва ижа-рачи Асад Йўлдошевга тегишли ҳисобла-гичлар мавжуд. Трансформатордаги иккита қалитнинг бири Асад Йўлдошевда, иккинчи-си эса фермер хўжалиги насосчилари Бўрон Юсупов ва Исмат Аҳмедовда бўлган.

МУНОСАБАТ

Олий таълимдаги ислохотлар, айниқса, кейинги икки йил ичида қабул қилинган «йўл хариталари», таълим сифатини кўтаришга қаратилган қатор чора-тадбирлар олий таълимни оёқга турғазига асос бўлмоқда. Хусусан, ўқув режаларини тубдан такомиллаштириш, фан дастурларини истеъмолчилар ва мукаммаллаштиб бораётган ижтимоий-иқтисодий соҳалар талабига тўла мувофиқлаштириш зарурияти пайдо бўл-моқда. Айниқса, ўқув жараёнининг адабиётлар билан қай даражада таъминланганлиги ва бунда хорижий етакчи олий таълим муассасалари тажрибасини инобатга олиш, таълимнинг инновацион усулларини ўрганиш ва амалда татбиқ этиш, профессор-ўқи-тувчиларнинг хорижда малака ошириш ва турли мuddатлардаги стажировкасини таъ-минлаш, хорижий етакчи профессорларни университетларимизга таклиф қилиб, маҳорат дарслари ташкил этиш, хорижий университетлар билан ҳамкорликни шаклан ва мазмунан кенгайтириш каби масалалар долзарб вазифалар этиб белгиланди.

БАҲОНИНГ «БЕБАҲО» БАҲОСИ

2018-2019 ўқув йили учун талабалар қа-бул қилишнинг янги тартиби амалга ошири-лаётгани ислохотларнинг ташкилий ва сифат жиҳатидан жуда катта, залворли қадами бўл-ди. Таъкидлаш керакки, янги ўқув йили бош-ланиши билан, биринчи дарслардаёқ ўтган даврда қабул қилинган талабалар билан бу йилгисининг фарқи яққол кўзга ташланди.

Яқинда эълон қилинган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг на-зорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғриси-да»ги Низом ҳар жиҳатдан мукаммал меъё-рий ҳужжат бўлиб, унинг тўлақонли ижроси таъминланса, олий таълим сифатини жиддий кўтариш имконияти яратилади.

Бироқ, амалга оширилаётган ишлар, кў-риллаётган чора-тадбирлар қаторида яна бир муҳим омил борки, менинг назаримда, уни эътиборга олмасдан мавжуд муаммони ҳал этиш амримаҳол. Мамлакатга бугунги кун-да ва яқин келажакда олий таълимнинг сиф-атли натижаси зарур. Президентимиз қуни кеча мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимни ёшларни ста-ратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йилгилида алоҳида таъкидлага-нидек, замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрлар тарбиялашимиз керак. Келажак-гимиз, эртанги кунимиз бу масалани бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ.

Давлат раҳбари томонидан вазифа аниқ қўйилмоқда. Энди бош масала бу йўлдаги муаммоларни бартараф этишдан иборат.

Бу масалани мен «баҳонинг баҳоси» деб номлаган бўлардим. Бу муаммони тушуниб етиш учун олий таълим тарихига назар сол-май илложимиз йўқ. Муаммонинг илдизлари шунчалик узоққа бориб тақаладики, уни таҳ-лил қилмай, тегишли ҳулосалар чиқармай, зарурий ечимни топиб бўлмайди. Очикроқ ай-тадиган бўлсак, гап ўқувчига, талабага, унинг меҳнатига, билимига номувофиқ, ошириб баҳо қўйиш ҳақида борапти. Узоқ йиллардан буён (бир неча ўн йиллар давомида) ўқувчи ва талабанинг билим даражасини ошириб баҳолаш, таълим, муассасасининг ўзлашти-риш кўрсаткичини ҳақиқатдан ўзлаштириди, Собик шўролар даврида ҳатто «контингентни сақлаб қолиш» деган бир ярамас тушунча бор эди. Вазирлик коллежаларида олий таъ-лим муассасалари раҳбарларининг бундай кўрсаткич бўйича ҳисоботлари эшитилиб, ай-рим олий таълим муассасалари раҳбарлари-га жазо берилган вақтлар ҳам бўлган. Ўтган асрининг 70-80 йилларида бошланган бундай нотўғри сиёсат ўқитувчиларни талабалар би-лимини объектив баҳолашдан ўзлаштириб-гина қолмасдан, олий таълим муассасалари маъмурияти билан ўқитувчилар ўртасида маълум зиддиятларга ҳам сабаб бўлди. У даврларда олий таълим муассасаси ўқитув-чиси анча принципиал ва талабчан эди. Ле-кин узоқ йиллар давомида юқоридан ««2» баҳо қўйилмасин», деган талаб аста-секинлик билан ўқитувчиларнинг принципиал ва талаб-чанлигини «синдирди», уларнинг бундай хо-латга қўниқилишлари шакллантирди. Таълим муассасаларида ҳақиқатдан йироқ, пуч ва ёлгон бўлган юқори ўзлаштириш кўрсаткичи бериш одатга айланиб борди ва таълимнинг «қўшиб ёзиш» варианты пайдо бўлди. Бу ил-латнинг жамиятга зарари иқтисодий «қўшиб ёзиш»дан ҳам узоқроққа борадиган яширин шаклга кирди ва ўндан қўтилиш қийин кечмоқ-да.

◀Даъоми, бошлангич 1-бемта.

1990 йилларга келиб, олий таълим муас-сасаларида қабул режалари қисқара бош-лади. Бу эса, ўз наъбатида, ўқитувчиларни ўзларининг контингентини сақлаб қолишга ундади, чунки талабалар сонининг қисқариши ўқитувчиларни тўлиқсиз штат бирликлари-га тушиб қолишига олиб келади ва уларнинг моддий аҳолига жиддий таъсир кўрсатади.

«Икки» баҳо қўймаслик ва бошқа бир қатор вазиятлар охир-оқибат ақуний имтиҳон-ларда айрим ўқитувчиларнинг талабалардан таъмагирлик қилишларига олиб келди. 2000 йиллар бошларида қабул режасида муайян ўсиш бошланишига қарамай, ўтган ўн йил-ликларда талаба билимини баҳолашдаги бу жиддий камчилик сақланиб қолди ва энди бу усул қабулдаги камчиликларни хаспўшлаш механизмига айланди. Шундай қилиб, олий таълим муассасаларида ўтган 35-40 йил давомида шаклланган талабалар били-мини баҳолашдаги номунасоиблик уларни мустақил билим олишдан совитди, китобга, кутубхонага мурожаат қилишдан қайтарди. Талаба «кўл учид», енгил-елпи, номигагина ўқишга мослашди. Бундай вазиятга муайян даражада ўқитувчи ҳам қўниқди. Муаллим учун умумий билим даражаси саёз талаба-лар гуруҳида жиддий тайёрланиб дарс ўтиш эҳтиёжи ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Ай-рим профессор-ўқитувчилар ўз устида ум-ман ишламай қўйди.

Хуллас, бугунга келиб талабанинг жорий билими баҳоси объективликдан йироқ бўлиб, «баҳо»нинг асл баҳоси пастлашиб кетди. Бун-дай салбий муҳит иқтидорли талабаларнинг ҳам тўлақонли таълим олиб, мамлакатнинг кадрлар элитасини тўлдиришларига жиддий тўсқинлик қилди.

Президентимизнинг «Олий таълим муас-сасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаёт-ган кенг қамровли ислохотларда фаол иш-тирокини таъминлаш бўйича қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси асосида қабул қилинган янги «Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг на-зорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғриси-да»ги Низом айнан шу камчиликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, уни олий таълим сифатини кўтаришда муҳим кадам, деб ҳи-соблайман.

Яқуний баҳолашнинг дарс ўтган муаллим иштирокисиз ўтказилиши аста-секинлик билан талаба билими даражасини баҳолашнинг объ-ективлигини таъминлайди. Низом, том маъ-нода, ўқитувчи фаолиятига нисбатан талабни ошириш механизмининг яратилиш ва шу тари-ка унинг педагогик масъулиятини ҳам оширади.

Талаба билимини объектив баҳолашни тарихан бўзилган ҳолатидан бугунги талаб ва меъёрга тўлақонли қайтариш олий таълим ис-лохотининг ҳал қилувчи омилли бўлмади. Лекин бу ислохот омиллари ичида талаба билимини баҳолаш энг оғрикисли ва жиддий қаршиликка учрайдигани бўлгани учун уни биргалашиб энг-масдан туриб, таълим сифатини ошириш, ўқув режаларини мукаммаллаштириш, янги педаго-гик технологияларни жорий қилиш, хорижлик профессорларни таклиф этиш ва бошқа омил-лар самарадорлигига эришиб бўлмайди. Захи-радаги бу муҳим омилни ҳам ишга сола оспас, Президентимиз саяёҳатқиларнинг натижа-ларидан бири сифатида нисбатан қисқа му-датда олий таълим сифатини юқори даражага кўтариб, биз ҳавас билан қарайдиган хорижий етакчи университетлар қаторидан муносиб жой олишимизга ишончим қомил.

БИР ФИТНА

оғир бўлди, тухматга қолган фермер исботлаш учун ишдан қолиб,



энергия сарфланмайди, чунки улар йил давомида икки-уч марта сугорилиди, хо-лос.

...2017 йилнинг 4 июль куни «Деҳқон-обод» электр таъминоти корхонаси ходими Адхам Искандаров, туман мажбурий иж-ро бюроси ходимлари Илҳом Қурбонов ва

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Туя ўрқачига ўхшаш қир-адирлар. Узоқдан Ҳисор тизма тоғларининг қорли чўққилари кўзга ташланади. Президентимиз ташрифидан сўнг уч кундан буён воҳанинг у бошидан бу бошигача кезиб, одамларнинг фикрлари, орзу-умидлари билан қизиқаман.


Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида Шахрисабз туманида қурилган Ҳисорак сув омборидан «Оқсув-Яккабоғ» канали тортиб келинганди. Ушанда мазкур ҳудудда фақат пахта етиштириш мўлжалланган эди. Бугун эса мақсад ҳам, манзара ҳам бутунлай бошқача. Адирлар бошланишида қўшқаватли ва бир қаватли қатор иморатлар... Уларнинг олдида хорижда ишлаб чиқарилган чопик ва хайдов тракторлари тизилиб турибди. Ҳамроҳим мохир дехқон Мирзо Суёнов билан Президентимиз эккан ёнғоқ ниҳолини кўздан кечирдик. Ёнғоқ ва бодом ниҳоллари қир-адирларни тўлдирган, богбонлар яна янгиларини экишгаётган экан.

— Мен Америка, Испания, Туркия давлатларида бўлганман. Масалан, Испанияда шунчалик мўлмева сабзаёт етиштириладики, ҳавасингиз келади, — дейди «Сағ агро Яккабоғ» МЧЖ раҳбари, тадбиркор Фариддин РОЗИҚОВ. — Хуллас, хориж тажрибасини ўрганиб, 2015 йилда Жомбой туманида 500 гектар ёнғоқзор барпо этдик. Кейин Яккабоғга таклиф қилишди. Аммо сув муаммоси ҳал бўлмади. Шунингдек, алоҳида қудуқ қазиб, қувур тортиб, насос станциясини ўрнатдик. Ниҳоллар томчилатиб сугорилади. Ҳозиргача 700 гектар майдонга Америка ёнғоғи ва Туркия бодом кўчатлари экилди. Жами боглар 1460 гектарга етади. Келгуси йили нишонна беради, 3-4 йилга қолмай ҳосилга қиради. Президентимиз ишларимизни кўриб, хурсанд бўлди. Ҳар бир хонадонга қўчат етказиб бериш кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон ёнғоқ етиштириш ва экспорт қилиш ассоциацияси тузилган, қўчат етиштирадиган тажрибахоналаримиз бор. Зиммамизга юклатилган вазифаларни, албатта, бажарамиз...

— Мен ҳам давлатимиз раҳбари билан учрашдим, — дейди яккабоғлик тадбиркор Анзур НОРМУРДОВ. — Шу йилнинг бошида Президентимиз вилоятга келганида шарбат чиқарадиган янги корхонамизни кўрган, маслаҳатлар берган эди. Ўша кўрсатмаларга амал қилиб, 600 гектар бог барпо этдик, ҳадемай 1000 гектарга етади. Камида 200 киши иш билан таъминланаяпти. Бундан ташқари, Германия ва бошқа хорижий давлатлар технологияси асосида 5 минг тонна ситимга эга омборхона қураямиз. Ана шулар ҳақида мамлакатимиз раҳбарига гапириб бердим. Битта гапни айтايми, раҳбаримиз билан суҳбатлашган кишининг фойдаланиш тошади, руҳи кўтарилади, яна яхши ишлар қилгани келаверади...

Президентимиз Ғузор туманидаги сентетик ёқилғилар ишлаб чиқарадиган йирик корхона қурилиши билан ҳам танишди. Бу корхона келгусида мамлакатимизнинг ёқил-

«Давоми, бошланиши 1-бетда»



ги-энергетика соҳасидаги таянчларидан бири бўлади. Ҳозир 200 дан ошдик ишчи ўқитиляётган экан.

Буюк Амир Темури туғилган жой деб тарих китобларига битилган Ҳужа Илғор қишлоғига етиб келдим. Соҳибқирон бобомизнинг «Темур тузуклари»даги ушбу ҳикмати сўзлар ёдимиға тушди: «Қайси киши ақлга сингган бир ишни куйиниб гапирса, суюниб эшитар эдим. Кимки оқилна гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қўлоқ солардим. Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим...».

Президентимиз Қашқадарё вилояти тараққиётга хизмат қиладиган ўнлаб истиқболли лойиҳалар билан танишди. Қаршида бўлиб ўтган йилгишда воҳа қудратини оширадиган жуда кўп режалар муҳокама қилинди. Туманлардаги фаолларнинг таклифи ва талабларини тинглаб, тегишли вазирликларга кўрсатмалар берилди. Касби тумани «Нуроний» жамғармаси раиси, ЎзХДПдан туман Кенгаши депутаты Чўли Жўраев туманда йирик корхоналар йўқлиги, янги иш ўринларини зарурати ҳақида гапирди. Давлатимиз раҳбари вилоятда кўпала имкониятлар ишга солинмаётгани, камида 69 минг гектар ер бекор ётгани ва бошқа камчиликларни бартараф этиш кераклигини таъкидлади. Шунингдек, янги конлар очиш, борларини ишга тушириш, Қамашада курчалчилик, қувчиллини ривожлантириш, қир-адирларда ёнғоқзорлар барпо этиш, Дехқонбод туманида янги сув омбори қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш ва бошқа ёзлаб муҳим режаларни ўртага ташлади. Очиғи, булар амалга ошса, воҳа тараққиёти жуда ривожланади, юксалади.

Суюн АБДИЕВ,
Қарши туманидаги «Абдиев Мажиб Абдиевич» фермер хўжалиги раиси, сенатор:

— Мен яшаётган Лаганди қишлоғида 5000 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Кейинги икки йил ичида ўнлаб иссиқхоналар қурилди, тадбиркорлар бир-бирдан яхши ишларга қўл уришмоқда. Бизнинг фермер хўжалигимиз бу йил пахта ва галла сотиш режаларини ошириб адо этди. Жами 40 бош хориждан келтирилган қорамолимиз бор. Яна кўпаяди, кичикроқ сутини қайта ишлаш корхонаси қуриш ҳақида ўйлаяпмиз.

Қобил ҒУЛОМОВ,
тадбиркор:

— 10 гектар ерда иссиқхона барпо этдик. Муборак газини қайта ишлаш заводидида ишлатиляётган сув совитилиб, ишлаб чиқаришга узатиляркан. Таклиф қилдик, завод маъмурияти маъқуллади. Ана шу қайноқ сув иссиқхоналаримизга қайтарилди, совуғча, яна корхонага қайтарилаяпти. Кредит олдик, 6 та иссиқхона барпо этдик. Ўтган йили 100 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспортга жўнатдик. Бу йил Россия, Озарбайжон, Тожикистон, Қозғистон давлатларидаги ҳамкорларимизга 500 минг АҚШ долларлик помидор, бодринг жўнатамиз. Ҳозир 100 киши иш билан банд. Келгусида иссиқхоналарни кенгайтириб, бошқа маҳсулотлар ҳам етиштирамиз.

Зиёдулла МИРЗАЕВ,
Китоб туманидаги «Варган-за» МФЙ раиси:

— Туманимиз вилоятда мевасабзаёт етиштиришда етакчи. Олтин, цемент ва бошқа табиий бойлик конлари ҳадемай ишга тушар экан. Бундан роса қувондик. Президентимизнинг кўрсатмаси билан «Варганза 1,2» насос станциялари таъмирланаяпти.

Янгидан қуриляётган «Оқбой» насос станцияси суви 190 метр баландликдаги адирларга етказиб беради. Бу жойларда 500 гектардан кўпроқ янги анорзорлар барпо этилади. Агар ҳозир фермер хўжалиги ва томорчаларда 3,5-4 минг тонна анор етиштириладиган бўлса, келгусида бу кўрсаткич 2-3 баробар ошади.

Дилмурод Йўлдошев,
Яккабоғ туманидаги муқобил МТП раҳбари, фермер:

— Мен Қаршидаги йилгишда қатнашиб, Президентимиз фикрларини эшитиш бахтига муяссар бўлдим. Режалардан севиндим ва фахрландим. Аммо Яккабоғ тумани таниди қилинганда, ободончилик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани айтилганда, бошим эгилиб қолди. Нега бу ахвол юз берди? Бунга аввало барчамиз айбдоримиз...

Мамлакатимиз раҳбари Яккабоғ туманидаги камчиликлар ҳақида гапирар экан, бугун ҳоким қандай киши бўлиши кераклиги тўғрисида ҳам ҳаётий мулоҳазаларини, таклифларини ўртага ташлади. Мен Яккабоғ туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашдим. Туман «Соғлом авлод» учун жамғармаси раиси, ЎзХДПдан туман Кенгаши депутаты Назира Элмуродова айрим муаммоларни таъкидлади. Масалан, 59-мактабнинг ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган биноси талабга жавоб бермайди. Айрим қишлоқлар аҳолисида вақтинча тортилган ностандарт сиймоқлар ҳавф-хатарли. Яна бир партиядошимиз, туман Кенгаши депутаты Султон Халиловнинг айтишича, собиқ ҳоким депутатлар сўровига жавоб бермас экан. Сессияда унинг яна бир камчилиги — одамларни қабул қилиш, уларнинг арз-додини

тинглашни ёқтирмаслиги айтилди. Натижада унга эргашиб, айрим идора раҳбарлари ҳам аризачилар билан учрашишдан қочишар экан.

Бутун умр ер билан тиллашган, меҳнат фахрийси Мирзо Суёнов кексайиб қолган, ўзи раҳбарлик қилган фермер хўжалигини ўғли Фазлиддинга топширади. Фермер хўжалиги ўтган йили бир теримда пахта режасини бажаради. Аммо собиқ ҳоким Жаҳонгир Бобоев уни илғор фермерлар йилгилишдан ҳайдаб чиқариб юборади. Унга тазйик ўткази бошлайди. Бу йил ғўзаларни сугоришда атайлаб сувдан қисилди. Вилоят раҳбари аралашган сув олиб беради. Жами 100 бошга яқин қорамоли бўлса-да, озуқа етиштириш учун ер ажратиб бермайди. Бунинг бойси шундаки, Мирзо Суёнов айрим фермерлар томонидан ерлар талон-тарож қилингани ҳақида юқори идораларга мурожаат қилади ва ҳақ бўлиб чиқади, бугун айбдорлар қонун олдида жавоб беришяпти. Шунинг учун собиқ ҳоким ота-болага тазйик ўтказиб келади.

Халқ депутатлари Яккабоғ туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашдик. Туман «Соғлом авлод» учун жамғармаси раиси, ЎзХДПдан туман Кенгаши депутаты Назира Элмуродова айрим муаммоларни таъкидлади. Масалан, 59-мактабнинг ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган биноси талабга жавоб бермайди. Айрим қишлоқлар аҳолисида вақтинча тортилган ностандарт сиймоқлар ҳавф-хатарли. Яна бир партиядошимиз, туман Кенгаши депутаты Султон Халиловнинг айтишича, собиқ ҳоким депутатлар сўровига жавоб бермас экан. Сессияда унинг яна бир камчилиги — одамларни қабул қилиш, уларнинг арз-додини

тинглашни ёқтирмаслиги айтилди. Натижада унга эргашиб, айрим идора раҳбарлари ҳам аризачилар билан учрашишдан қочишар экан.

юксак ишончни оқлашига ишонч билдиришди.

Шахрисабз шаҳрига етиб келдим. Марказий майдонда Президентимиз очган хусусий бочча биносига ҳавас ва фахр билан қарайман. Жуда чиройли, кўркам, шаҳар хуснига хусн қўшиб турибди.

Муҳаббат ШАРОПОВА,
ЎЗБЕКИСТОН ҚАХРАМОНИ:

— Биласизми, 50 йилдан ошди, мактабларда математика фанидан дарс берганимга. Ёшим 70 га етди, бўлди, дейман ўзимча. Аммо Қаршида ўтказилган йилгишда Президентимизнинг болалар богчаларини кўпайтириш, уларга фарзандларимизни жалб этиш, истеъдодли ўқувчилар таълим оладиган янги мактаблар қуриш, хусусан, Шахрисабз шаҳрида бир неча интитут филиалларини ташкил этиш ҳақидаги фикрларини тинглаш эканман, вужудимга куч энгагдай бўлди. Сизга яна бир янгиликни айтмай. Қарши шаҳрида хусусий мактаб иш бошлади. Болалар эрталаб кун давомида мактабда бўлади, икки марта оқватлантирилади. Ўқитувчилар саралаб олинган. Неварам Миржаҳонни шу мактабга бердик. Насиб этса, ҳали кўп улут ишлар амалга ошади.

Қаҳҳор РАҲИМОВ,
Ўзбекистон халқ бахшиси, ЎзХДП фаоли, туман Кенгаши депутати:

— 1994 йили бир гуруҳ санъаткорлар билан Америкага борган эдик. Бир ой ичида юртимни соғиндим, фарзандларим кўз ўнгимдан ўта бошлади. Янги ашула ёздим. Сан-Франциско шаҳридаги 2 минг томошбин йилгилан бинада ашуламин бошлабман, денг... «Жу-ринглар, кетамиз Ўзбекистонга!», «Жу-ринглар, кетамиз Ўзбекистонга!»... Кейин ўпкам тўлиб, «Эй халойик, мени англайдиган инсон борми?», деб хайқирдим. «Бор!», дея 6-7 киши югуриб келиб, дўмбраними

попугини кўзига сурта кетди. Кейин билсак, улар ватандан жудо бўлиб, хорижга келиб қолган ўзбекларнинг неварачеваралари экан. Шунда бутун залдаги томошбинлар ўрнидан туриб, бизни оқлашлайди. Ҳа, миллий санъатимиз ҳеч қачон йўқолмайди, қон-жонимизда яшайди. Қаршидаги йилгишда қатнашиб, Президентимизнинг гапларини эшитдим, ўзим ҳам кичик ашула айтиб бердим.

Дехқонбод туманида сув омбори қурилиши, янада обод бўлиши ҳақидаги янгиликни эшитиб, бир қувонган бўлсам, келгуси йилда Термизда бахшларнинг халққаро анжумани ўтказилиши, ҳар бир хонадонда дўмбира ва дoston китоблари бўлсин, деган таклифларини эшитиб, ўн қувондим. Дехқонбодга қайтиб, одамларга раҳбаримизнинг режаларини етказдим.

Элмурод БОЙМУРОДОВ,
Шахрисабз шаҳри маданият бўлими қошидаги «Бахтли болалик» мақом дастаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Бундан кейин нафақат бахшлар, балки хунармандларнинг ҳам халққаро анжумани ўтказилади. Шу йил Шахрисабзда бўлиб ўтган халққаро мақом анжумани миллий маданиятларнинг ўлмаслиги, боқийлигини намоён қилди. Анжуманда мен тарбиялаган 150 нафар ёш макомчи қуйлаганда, қалбим фахр-ифтихорга тўлиб-тошди. Президентимизнинг миллий маданиятимизни ривожлантириш, асп, табиий овоз соҳибни бўлган истеъдодларни кўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикрлари барчамизнинг қалбимиздаги ниятимиз эди.

Қарши шаҳрига етиб келганимда, аввал, ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Рашид Муртозаев билан учрашдим. У киши Президентимиз Қарши шаҳрини обод қилишга тенгсиз хисса қўшгани, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ҳайкалининг зиёрат қилиб, янгидан ишга тушган кардиология ва эндокардиология шифоналари, янгидан ташкил этилган «Батанпарвар боғи» билан танишганини кўниб гапириб берди.


— Биз раҳбаримизнинг барча фикрлари ва таклифларини эшитдик, — дейди Рашид Муртозаев. — Булар буюк тараққиёт режаларидир. У киши ижтимоий ҳимоя ҳақида гапирди. Масалан, Қарши шаҳрида кам таъминланган оилалар учун 14 та янги ўй қурилиб, хонадон соҳибларига топширилди. Биз партиямиз фаоллари депутатлар билан ана шундай уйлар қурилиши, сифати масаласини кўтардик ва яна бир муҳим масала — Қарши шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини муҳокама қилдик...

Юрдошларимизнинг фикрларини тинглаш эканман, бир ҳақиқатни англадим: Қашқадарёнинг куч-қуввати ошмоқда, янгиликлар одамларни тўқинлантиришда, янги-янги ташаббусларга ундамоқда. Бу ишлар яқин келажақда ўз самарасини намоён этади, албатта.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

ОҚИБАТИ

қарийб икки йилдан буён айбсизлигини алам-изтиробда кураш олиб бормоқда



Шоҳимардон Қурбонов ушбу трансформатордаги хисоблагичларни Анвар Зиёев иштирокисиз текшириб, унга тегишли хисоблагичнинг сўргичи бузилгани ҳақида далолатнома тузилган.

Кейин Илҳом Қурбонов катта кўчадаги ресторанда тушлик қилаётиб,

Абдузоҳир Зиёевга кўнғироқ қилиб, шу ерга бургерга келиб кетишни сўраган. У келган, ўғли раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги туман электр тармоқлари корхонасидан 126 миллион сўм қарздорлиги борлигини, шунинг ўзари келишиб, тўрилаб беришини айтган. Кейин маълум бўлишича, электр хисоблагич алмаштирилгани баҳона қилиниб, трансформатор хар қуни ишлатилган, деб хисобланган ва катта миқдорда ўртача қарздорлик далолатномаси тузилган экан. Аслида фермер хўжалигининг электр таъминоти корхонасидан 7 миллион сўмдан зиёдор қарздорлиги бўлиб, Абдузоҳир Зиёевнинг шахсан ўзи 5 миллион сўмдан кўпрогини тўлаб қўйган эди. Шунинг учун Илҳом Қурбоновнинг «таклифини инкор қилган».

Абдузоҳир Зиёев билан қелишолмаслигига кўзи етган Илҳом Қурбонов «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ инспектори Қосим Хўжамуродов ҳузурига бориб, воқеани баён қилади ва уни шу ишга бош қўишига ун-

дайди. Абдузоҳир Зиёевни яхши танийдиган инспектор бу гапларга ишонмайди ва Илҳом Қурбоновга, агар бу ишнинг асоси бўлмаса, у билан курашмаслигини маслаҳат беради.

Қосим Хўжамуродовдан ҳам «ёрулик» қичмаган, у ғаразли ишга қўл уриб, қалбаки ҳужжат асосида тузилган далолатномани Жиноят ишлари бўйича Ургут туман прокуратурасига топширади.

Дарвоқе, Илҳом Қурбонов ҳақида икки оғиз сўз. Айтишларича, у илгари Ургут туман ички ишлар бўлимида фаолият кўрсатган, ишдан бўлиб, судланган. Озодликка чиққанидан кейин бир муддат туман электр таъминоти корхонасини бошқарган. Кейин туман мажбурий ижро бюросига ишга ўтган. Янги ишга ўтиши биланок «Дехқонбод» электр таъминоти ходими Адхам Искандаровни ёнига олиб, Анвар Зиёев фермер хўжалигига хизмат кўрсатаётган трансформатор кўрсаткичини текширишга келади. Ана шундан сўнг можоро бошланади.

2017 йилнинг 5 декабрида Ургут туман прокуратураси терговчи вазифасида иш ўргатувчи Азамат Нарзиев томонидан Анвар Зиёевга нисбатан «Жиноят ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида» қарор қабул қилинади. Тергов давомида Зиёевлар талаб қилган гувоҳлар сўроққа чақирилмади. Илгари амалга оширилган тўловлар билан электр хисоблагичнинг кўрсаткичи солиштирилиб, хисоб-китоб қилинмади. Терговчи хисоблагич сўргичи атайлаб бу-

зилган ва алмаштирилган, деган айбловни илгари суради.

Иш шу даражага бориб етадики, прокуратура томонидан қарор чиқарилиб, гўё «эски хисоблагич»ни топшиш мақсадида Анвар Зиёев ва отасининг уйида тинтув ўтказилади. Шундан кейин Анвар Зиёевга «...электр энергиясидан ноконуний фойдаланиб келиши натижасида «Дехқонбод» электр таъминоти корхонаси манфаатларига 28.306.200 сўм миқдорда зарар етказган» ва «кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган»и сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКНинг тегишли моддаси билан айблов қўйилади. Ургут туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси У. Ҳамдамов бу қарорни тасдиқлайди.

Анвар Зиёев туман прокуратураси терговчиси вазифасида иш ўргатувчи Азамат Нарзиев томонидан қабул қилинган қарор билан танишиб, унда келтирилган далилларни инкор қилади ва ҳужжатга «рози эмасман», деб имзо чекади.

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан 2018 йил 26 мартда ўтказилган суд мажлисида ишга алоқадор гувоҳлар чақирилмади. Суд асосан тергов материалларига суяниб, «Дехқонбод» электр таъминоти корхонасига қасддан 25 миллион сўм зарар етказилгани ва Анвар Зиёев томонидан қоплангани ҳақида ҳукм чиқаради ва унга бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланади.

Анвар Зиёев суд ҳукмидан норози бўлиб, Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясига ариза ёзади. 2018 йил 12 июнда суд мазкур ишни кўриб чиқиб, қарорни ўзгаришсиз қолдиради. Фермер адолат талаб яна турли идораларга мурожаат қилади...

Шу орада электр таъминоти корхонаси ходими Адхам Искандаров Анвар Зиёев билан бўлган суҳбатда «Хато иш бўлди», деб ундан узр сўрайди. «Бу масалани кўтариб, тортишиб юрманг, ўзим ҳисоб рақамингизга 50 миллион сўм ўтказиб бераман», дейди. Ҳар ҳолда, виждони қийналган бўлса керак.

2018 йилнинг 25 июнида бу ишни Фуқаролар ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро суди фермернинг иштирокисиз кўриб чиқади ва ундан Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига 5 760 791 сўм қарздорлик ундирилиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

Анвар Зиёев ўз навбатида қарордан норози бўлиб, «Дехқонбод» электр таъминоти корхонаси томонидан 2018 йил 1 июль ҳолатига тузилган солиштирма далолатнома асосида кассация шикоятни билан яна судга мурожаат қилади.

Бу сафар Фуқаролар ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро суди 2018 йил 5 августда ўтказган очик мажлисида Ургут туман «Дехқонбод» электр таъминоти корхонаси томонидан 2018 йил 7 августда тузилган солиштирма далолатнома

асосида Анвар Зиёев раҳбарлик қилаётган «Шахрисабз Санам» фермер хўжалигининг электр энергиясидан қарзи мавжуд эмас, деган қарорга келади. Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг жавобгар Анвар Зиёевга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъвоси рад этилади. Аммо жиноят ишлари бўйича суд ҳукмига кўра, Анвар Зиёев судланган бўлиб қоляпти...

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимида катта ислохотлар олиб боришмоқда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш кўриш суд-хуқуқ идоралари ходимларининг устувор вазифасига айланмоғи талаб этилмоқда. Бу борада ўзгаришлар сезилмоқда, одамлар суддан миннатдор бўлаётганига кўплаб миқсоллар келтириш мумкин. Аммо ҳали ҳамон ўзига тегишли хулосалар чиқариб олмаган судьялар учраб тургани суд обрўсига путур етказмоқда.

Хўш, фермер Анвар Зиёев оқланадими, йўқми? Унга нисбатан қасддан уюштирилган фитна бошида турганлар жавобгарликка тортилгани, йўқми? Ёки ёпиғлик қозон ёпиғлигича қоладими? Бу саволларга мутасадди идоралар адолатли жавоб топади, деб ўйлайми. Бунинг учун масалани диққат билан ҳолис кўриб чиқиш керак.

Абдураҳул САТТОРОВ,
Нурulloх ДОСТОН,

Сурхондарё вилояти

«АГРОХИЗМАТ ШИНГРОНГ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни кириб келаётган 2019 йил билан табриклайди!

Янги йил янада гўзал ва бетакрор, саодатли

кунларни ва янгидан-янги муваффақиятларни олиб келсин.

Барча ватандошларимизга катта муваффақият,

аъло кайфият, хотиржамлик тилайди!



РЕКЛАМА ЎРНИДА



МИКРОКРЕДИТБАНК ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ:

КРЕДИТЛАР ҲАР БИР ОИЛА

ТАДБИРКОРЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

«Ҳар бир оила тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Президент Қарори ижроси юзасидан, «Микрокредитбанк» АТБ ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг биргина Жиззах вилояти филиали томонидан 43 нафар фуқарога ҳамда 3 нафар юридик шахсга салкам 821,9 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Натижада эллика яқин иш ўрни яратилди.

Ажратилган кредитларнинг 100,0 миллион сўми чорвачилик, 166 миллион сўми иссиқхоналар ташкил этиш, 185,1 миллион сўми паррандачиликни, 63,0 миллион сўми қуёнчиликни ривожлантириш, 84,9 миллион сўми тикучиликни ташкил этиш, 20,0 миллион сўми маҳсулот ишлаб чиқаришга, 12,0 миллион сўми имтиёзли кредитни олдим. Сармояни иссиқхона қуришга сарфладим. Ихчам иссиқхонада маҳсулот етиштириб, туманимиз аҳолисига етказиб бермоқдамиз. Оиламизда уч киши иш билан банд бўлди.

Гулбаҳор РАҲМАТОВА,
оилавий тадбиркор:
— Шароф Рашидов туманидаги

Шерзод ИСОҚОВ,

оилавий тадбиркор:

— Зарбдор туманидаги Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан. Банкдан хусусий корхонамизга 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, шлакблок ишлаб чиқариш учун ускуна ва хом-ашё сотиб олдим. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб ҳозир, ойига 18-20 минг дона шлакблок ишлаб чиқармоқдамиз. Энг муҳими, маҳалламиз ёшларидан икки кишини доимий иш ўрни билан таъминладим.

Шарофат ЖУМАБОВЕВА,

оилавий тадбиркор:

— Ғаллаорол туманидаги Оқтом қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан. Тикучиликни йўлга қўйиш учун 11,55 миллион сўм кредит олиб, янги замонавий тикув машиналари сотиб олдим. Ҳозирги кунда қишлоғимиз аёллари учун кийим-кечаклар тикаяпмиз. Маҳсулотларимизни бозорда, қишлоқдаги савдо дўконларида сотиш имконияти ҳам яратилган. Маҳалламиздаги ишсиз аёллардан икки нафарини иш билан таъминладим.

Бувинисо МАМАТҚУЛОВА,

оилавий тадбиркор:

— Зомин тумани Ғаллакор қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан. Тадбиркорлигимни йўлга қўйиш учун «Микрокредитбанк» Зомин филиалидан ҳеч қандай муаммосиз 25 миллион сўм кредит маблағи олдим. Кредитга қуён сотиб олдим. Қуёнчиликни сардоромад соҳа дейишди, ҳозирги кунда қуёнларнинг кўпайишини кутяпмиз. Бозоримизни танқис ва парҳезбол қуён гўшти билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўйиш ниятидамыз. Оила аъзоларимизнинг барчаси иш билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, «Микрокредитбанк» сармоялари аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар бир оиланинг тадбиркор бўлиши ва турмуши фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Шаҳноза РЎЗИЕВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, ҳамкасбларни кириб келаётган
Янги йил билан табриклайди.

2019 йил барчамизга омадли келсин!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига муурожаат этиш лозимлигини эслатиб ўтамиз.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В»,
телефон: (71) 202-61-71, (71) 230-61-13.
Андижон шаҳри, Чўлпон шох кўчаси, 5-уй,
49-хона, телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик Иброҳим Мўминов
кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси,
АТС-4 биноси, телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерناзар Алақўз кўчаси,
ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй,
62-хона, телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй,
802-хона, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй,
2-корпус, 54-хона,
телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ п/б,
ЭММХ, телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй,
телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй,
телефон: (71) 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси,
37-«Г» уй, 36-хона,
телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй,
23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-38-55, (71) 233-47-60

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238. 6362 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:05.

Topshirilgan vaqti — 03:25.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон sahifasiga utish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5